

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИСАЕВА НИЛУФАР ЗУБИДУЛЛАЕВНА

ЖИГАРДА РЕГЕНЕРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОРФОЛОГИК
АСПЕКТЛАРИ ВА ЯДРО АППАРАТИ РЕАКЦИЯСИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.02 –Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исаева Нилуфар Зубидуллаевна

Жигарда регенерация жараёнининг морфологик аспектлари
ва ядро аппарати реакциясининг хусусиятлари..... 3

Исаева Нилуфар Зубидуллаевна

Морфологические аспекты регенерационного процесса
в печени и особенности реакции ядерного аппарата..... 25

Isayeva Nilufar Zubidullayevna

Morphological aspects of the regeneration process in the liver
and features of the reaction of the nuclear apparatus..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИСАЕВА НИЛУФАР ЗУБИДУЛЛАЕВНА

ЖИГАРДА РЕГЕНЕРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОРФОЛОГИК
АСПЕКТЛАРИ ВА ЯДРО АППАРАТИ РЕАКЦИЯСИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.02 –Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib1065 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Садриддинов Асомидин Фаязович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Миршарапов Утқур Миршарапович тиббиёт фанлари доктори, профессор Арипов Абдумалик Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий гепатология ютуқларига қарамай, ноинфекцион ва юқумли жигар касалликлари аҳоли ўртасида ногиронлик ва ўлимнинг умумий сабаблари бўлиб қолмоқда. ЖССТ вирусли гепатит бўйича глобал соғлиқни сақлаш сектори стратегиясини ишлаб чиқди, унда «...2030 йилга келиб касалланишни 6-10 миллион ҳолатдан 1 миллиондан камроқ ҳолатга камайтириш; 2030 йилга бориб ўлимни 1,4 миллиондан 500 мингга камайтириш...»¹ белгиланган. Жигар бошқа аъзолардан ўзининг катта массаси, йўқолган қисмини қайта тиклаш учун феноменал қобилияти билан фарқ қилади. Гепатоцитларнинг ядро аппарати элементлари орасида жуда кичик сариқ тана – ядроча муҳим аҳамиятга эга. Ҳозиргача ядрочанинг асосий вазифаси ҳужайрадаги рибосомаларнинг синтези ҳисобланади. Патологик шароитларда ва касалликларда оқсиллар ва нуклеин кислоталарнинг биосинтезини фаол ўрганиш катта қизиқиш уйғотади, чунки бу жараёнлар биринчи навбатда функционал бузилишларнинг даражаси ва чуқурлигини тавсифлайди, аъзолар ва тўқималарда репаратив жараёнлар даражасини белгилайди. Гепатоцитлар ядросидан донатор компонентининг цитоплазмага чиқиши оқсил синтезининг жадаллашуви билан бирга кечиб, жигар тўқималарининг янгиланишини фундаментал баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, жигар касалликларининг олдини олиш, самарали диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда жигар патологияси тарқалганлиги, хавф омиллари ва унинг регенератор хусусиятларини баҳолаш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жигар патологик жараёнларида унинг морфологияси билан бир қаторда оқсил биосинтезини, яъни жигар гепатоцитларининг ядро аппаратини ҳар хил репаратив регенерация жараёнларини баҳолаш, ядро аппарати ҳолатини ҳисобга олган ҳолда резекция пайтида жигар репаратив регенерациясини морфофункционал таҳлил қилиш, ҳужайра-ядро аппаратининг морфологик ва морфометрик параметрларини токсик гепатитнинг экспериментал модели динамикасида баҳолаш ва бу жараённинг бузилишларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, жигар регенератив жараёнлари ва ядро аппаратининг реакцияси, жигар циррози ва бошқа асоратларининг олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу

¹ Глобальная стратегия сектора здравоохранения по вирусному гепатиту 2016-2021 на пути к ликвидации вирусного гепатита. Всемирная организация здравоохранения. <https://goo.su/yOLe>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жигарнинг регенератив жараёнларининг морфологик жиҳатларини ва ядро аппарати реакцияларининг хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, олдини олиш, эрта намоён бўлиш ва самарали даволаш чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4881-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ишларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу муаммо ҳозирги босқичда биринчи марта ишлаб чиқилмоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида қуйи ҳайвонларнинг ҳужайраларида ядродан цитоплазмага ядрочанинг чиқиши ҳақида баъзи маълумотлар қайд этилган. Бу асосан 1961 йилда муаллифлар Кирпичников ва Левинсоннинг иши эди. Бироз вақт ўтгач, ядрочанинг секреция жараёнида иштирок этишини кўрсатадиган ишлар пайдо бўлди (Шубникова ва Равин). Бироқ, аниқ кўрсатувчи фактлар (микросуратлар) йўқлиги сабабли, савол очик қолди. Кейинги тадқиқотларда «хромосома материалининг элиминацияси» деб номланган, ядрочаларнинг бир қисмини ҳужайра цитоплазмасига чиқариш имкониятини қайд этган ишлар пайдо бўлди. Мавжуд адабиётларда биз ядродан гепатоцит цитоплазмасига ядрочаларнинг кўчиши бўйича шунга ўхшаш ишларни топмадик. Шундай қилиб, ушбу диссертация ядрочанинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган - ДК (донадор компонент) ҳужайра цитоплазмасига чиқиш мавзусига бағишланган. Қўшни мамлакатлардан (Россия) баъзи тадқиқотчилар (Шубникова, Равин) ядрочанинг секрецияда иштирок этиш имкониятини таъкидладилар, яъни, секреция жараёнида ядронинг билвосита иштироқи, яъни унинг ҳажмининг камайиши. Глобал миқёсда сўнгги йиллардаги баъзи ишларда ядрочанинг асосий функцияси - рибосомалар синтези билан бир қаторда ядрочанинг бошқа жараёнларда иштирок этиши қайд этилган: ҳужайраларнинг бўлиниши, ўлими (апоптоз), организмнинг қариши, стресс таъсирлари, шунингдек, ўсма жараёнларида (С.Т.Миронеску ва С.Драгомир).

Ўзбекистонда ушбу муаммога қаратилган бирон бир тадқиқотлар ва илмий ишлар бажарилмаган. Бинобарин, биз мавжуд адабиётларда ядрочанинг ДК ядродан гепатоцит цитоплазмасига чиқиши мумкинлигини кўрсатадиган аниқ маълумотларни топмадик. Шундай қилиб, юқорида қайд этилганлар ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ФДСС-2012-16 «Жигар хужайраларида бинуклеарларнинг пайдо бўлишининг таркибий механизмларини ўрганиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жигарнинг турли регенератив жараёнларида гепатоцитлар ядро аппаратининг морфологик ва морфометрик жиҳатларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажриба ҳайвонларида гепатоцитлар ядро аппаратининг морфологик хусусиятларини баҳолаш;

ядро аппарати ҳолатини ҳисобга олган ҳолда резекция пайтида жигар репаратив регенерациясининг морфофункционал таҳлилини ўтказиш;

каламушларда хужайра-ядро аппаратининг морфологик ва морфометрик параметрларини токсик гепатитнинг экспериментал модели динамикасида баҳолаш;

«Туглизид» препарати таъсирида токсик гепатит ва резекция пайтида жигар тузилмаларида морфологик ва морфометрик ўзгаришларни қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иккала жинсдаги етук оқ каламушлар (n=82) ва вояга етган қуёнлар (n=22) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қуёнлар (n=22) ва оқ каламушларининг (n=82) жигарини морфологик ва лаборатория тадқиқот натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Жигарнинг турли регенератив жараёнларида гепатоцитлар ядро аппаратининг морфологик ва морфометрик жиҳатларини баҳолашда гистологик, гистокимёвий, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интакт ҳайвонлар – қуён ва каламушларда гепатоцитлар ядрочаларининг донатор компоненти ядродан цитоплазмага миграциясининг цитологик жиҳатлари аниқланган;

экспериментал оқ каламушларда жигар резекцияси ҳам ядроча донатор компоненти цитоплазмага миграциясини кучайтириши исботланган;

оқ каламушларда ўтказилган экспериментал токсик гепатитда жигарда кузатиладиган патологик жараёнларнинг ривожланишида ядро аппаратининг иштироки асосланган;

яллиғланишга қарши янги маҳаллий препарати токсик гепатит коррекцияси учун қўлланилганда гепатоцитлар ядрочаларининг донатор

компоненти миграцияси жадаллашгани ва оксил биосинтезини кучайтириб жигар регенератив жараёнларида иштирок этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хужайра биологиясида янги ҳодиса – ядроча ДК (донадор компонент) ядродан гепатоцит цитоплазмасига кўчиши аниқланган, ушбу ҳодиса одатда (соғлом ҳайвонларда) топилган;

ушбу жараённинг кучайиши препаратни қўллашда, жигарни қисман резекция қилиш орқали стимуляция қилишда, шунингдек, каламушларда жигар патологиясини моделлаштиришда қайд этилган;

бу ҳодиса жигарда регенератив жараёнларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнаши кўрсатилган;

ушбу ҳодисанинг кашф этилиши ядрочалар функцияси билан боғлиқ баъзи жараёнларни қайта кўриб чиқиш учун кенг истиқболларни яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар асосида тажриба ҳайвонларида гепатоцитлар ядро аппаратининг морфологик хусусиятларини баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хужайра биологиясида янги ҳодиса, ядроча донадор компонентининг гепатоцит цитоплазмасига миграцияси мавжудлигини аниқлаб берганлиги, жигарда бу жараённинг кашф этилиши бошқа тадқиқотчиларни бу ҳодисани бошқа аъзоларда ҳам кузатишга сабаб бўлиш мумкинлиги, ядрочаларнинг ноодатий хусусиятлари бошқа аъзоларда тасдиқланиб, регенератив жараёнларни ўрганишда кенг истиқболлар очилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хужайрадаги биологик жараёнларнинг қонуниятларини очиб беришда ушбу жараённинг аҳамиятини ойдинлаштириш билан боғлиқлиги, бу ҳодиса хужайра учун ва, эҳтимол, организм учун кўп миқдорда оксил синтези, шунингдек, нафақат жигарда, балки бошқа аъзоларда ҳам регенератив жараёнларнинг сезиларли даражада ошиши билан боғлиқлигини таъкидлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 7 февралдаги 03/171-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш буйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2023 йил 27 ноябрдаги 03/2562-сонли хати тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: интакт ҳайвонлар - қуён ва каламушларда гепатоцитлар ядрочаларининг донадор компоненти ядродан цитоплазмага миграциясининг цитологик жиҳатлари аниқлангани Республика патологик анатомия маркази буйича 31.10.2023 йилдаги 01-1/102-сон ҳамда Республика суд-тиббиёт илмий-амалий маркази буйича 30.10.2023 йилдаги 089/1-сон

буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* иш фундаментал характерга эга бўлиб, унинг амалий аҳамияти кейинги тадқиқот мавзуси бўлган, ҳужайрадаги биологик жараёнларнинг қонуниятларини очиб беришда ушбу жараённинг аҳамиятини ойдинлаштириш билан боғлиқ. Тахминларимизга кўра, бу ҳодиса ҳужайра учун ва, эҳтимол, организм учун кўп миқдорда оксил синтези, шунингдек, нафақат жигарда, балки бошқа аъзоларда ҳам регенератив жараёнларнинг сезиларли даражада ошиши билан боғлиқлигини таъкидлаш мумкин. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* 1) жигар касалликларида келиб чиқадиган ўзгаришларни морфологик таҳлиллари ва морфометрик кўрсаткичлари билан солиштириш, уларда ривожланадиган патологик жараённинг камайишига олиб келиши, бунинг ҳисобига даволаш учун сарфланадиган харажатларни 50% га камайтиришга эришилади; 2) таркибида глицирризин кислотаси ёки бошқа фосфолипидлар бўлган гепатопротекторларни ўз вақтида қўллаш ҳар бир бемор учун 100000 сўмга камайтиради. *Хулоса:* токсик гепатит таъсирида келиб чиқадиган ўзгаришларни юқорида келтирилган текширув усулларида фойдаланиш натижасида токсик гепатит билан оғриган беморларда асоратларни камайтириб, бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 100000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: экспериментал оқ каламушларда жигар резекцияси ҳам ядроча донатор компоненти цитоплазмага миграциясини кучайтириши исботлангани Республика патологик анатомия маркази бўйича 31.10.2023 йилдаги 01-1/102-сон ҳамда Республика суд-тиббиёт илмий-амалий маркази бўйича 30.10.2023 йилдаги 089/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* келтирилган морфологик таҳлилларнинг натижалари, таклиф этилган алгоритмлар жигар резекциясидан кейинги морфологик ўзгаришлардан келиб чиқиб, жигар циррозида ташхисни ўз вақтида аниқлаш ва гепатопротекторларни вақтида қўллаш аҳоли ижтимоий аҳволини яхшилашга эришилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* сурункали гепатит ёки жигар циррозида, жигар морфологиясини ўрганиш, уларда келиб чиқадиган ўзгаришларни ва кўрсаткичларни меъёр билан таҳлил қилиб солиштириш, беморларда ривожланадиган асоратларни ҳамда ўлим хавфини омилларини камайишига олиб келиши ҳисобига диагностика учун сарфланадиган харажатларни 45 % га камайтиришга эришилади. *Хулоса:* жигар резекциясидан кейин айнан биринчи 10 кунлигида гепатопротекторларни тўғри қўллаш жигар регенерациясини кучайтириши натижасида бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 60000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 30000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: оқ каламушларда ўтказилган экспериментал токсик гепатитда жигарда кузатиладиган патологик жараёнларнинг ривожланишида ядро аппаратининг иштироки асослангани Республика патологик анатомия маркази бўйича 31.10.2023 йилдаги 01-1/102-сон ҳамда Республика суд-тиббиёт илмий-амалий маркази бўйича 30.10.2023 йилдаги 089/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* сурункали гепатитга

чалинган беморларни ўз вақтида диспансер кўригидан ўтказиш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва аҳоли ижтимоий аҳволини яхшиланишига олиб келади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* сурункали токсик гепатитга чалинган беморларни ўз вақтида диспансер кўригидан ўтказиш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва аҳоли ижтимоий аҳволини яхшиланишига олиб келади, уларда келиб чиқадиган ўзгаришларни ва кўрсаткичларни меъёр билан таҳлил қилиб солиштириш, авлодларда ривожланадиган нуқсонларни ҳамда хавф гуруҳи омилларини камайишига олиб келиши ҳисобига диагностика учун сарфланадиган харажатларни 40% га камайтиришга эришилади. *Хулоса:* токсик гепатит, жигар циррози, ва жигарнинг бошқа касалликлари ўз вақтида гепатопротекторларни қўллаш, тўғри овқатланиш, қоннинг биокимёвий таҳлилларини ўз вақтида ўтказиш бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 50000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: яллиғланишга қарши янги маҳаллий препарати токсик гепатит коррекцияси учун қўлланилганда гепатоцитлар ядрочаларининг донатор компоненти миграцияси жадаллашгани ва оқсил биосинтезини кучайтириб жигар регенератив жараёнларида иштирок этиши аниқлангани Республика патологик анатомия маркази бўйича 31.10.2023 йилдаги 01-1/102-сон ҳамда Республика суд-тиббиёт илмий-амалий маркази бўйича 30.10.2023 йилдаги 089/1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат:* сурункали гепатитга чалинган беморларни ўз вақтида диспансер кўригидан ўтказиш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва аҳоли ижтимоий аҳволини яхшиланишига олиб келади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* сурункали токсик гепатитга чалинган беморларни ўз вақтида диспансер кўригидан ўтказиш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш ва аҳоли ижтимоий аҳволини яхшиланишига олиб келади, уларда келиб чиқадиган ўзгаришларни ва кўрсаткичларни меъёр билан таҳлил қилиб солиштириш, авлодларда ривожланадиган нуқсонларни ҳамда хавф гуруҳи омилларини камайишига олиб келиши ҳисобига диагностика учун сарфланадиган харажатларни 40% га камайтиришга эришилади. *Хулоса:* токсик гепатит, жигар циррози, ва жигарнинг бошқа касалликлари ўз вақтида гепатопротекторларни қўллаш, тўғри овқатланиш, қоннинг биокимёвий таҳлилларини ўз вақтида ўтказиш бюджет маблағларини 120000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 50000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жигарнинг регенератив қобилияти»** деб номланган биринчи бобида ядрочаларнинг тузилиши ва вазифаси, жигарни экспериментал моделлаштириш турлари, регенератив қобилиятларини ўрганиш бўйича маҳаллий, узоқ ва яқин хориждаги илмий манбаларнинг таҳлили келтирилган. Бугунги кунга қадар адабиётда жигар регенерацияси бўйича жуда кўп асарлар тўпланган.

Диссертациянинг **«Интакт хайвонларда, резекцияда, токсик гепатит ва Туглизид препарати билан коррекция қилиш мобайнида жигарнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида материалнинг хусусиятлари ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари тавсифланган. Лаборатория хайвонлари устида илмий экспериментал тадқиқот ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги этика қўмитасидан рухсат олинди (2021-йил 2-декабрдаги 8-йиғилиш баённомаси). Илмий тажрибалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг Фармакология ва биологик фаол моддалар скрининги лабораторияси ТошПТИ ва Ўзбекистон Республикаси БХАН институтининг Фармакология ва биологик фаол моддалар скрининги лабораторияси ўртасида 12.12.2021 йилдаги тузилган икки томонлама шартнома асосида ўтказилган. Тадқиқот материали сифатида вазни 180-200 грамм бўлган лаборатория оқ каламушлари, сони бўйича ҳар икки жинс ($n=82$), шунингдек, вазни 2,5-3,0 кг бўлган етук қуёнлар ($n=22$) ишлатилган. I-тажриба вазни 2,5 - 3,0 кг бўлган иккала жинсдаги қуёнларда ўтказилган. Муайян назорат давридан сўнг хайвонларга 1 ой давомида кунига 10 мг/кг дозада «Туглизид» препарати оғиз орқали юборилди. Тажриба охирида хайвонлар экспериментдан чиқарилди, жигарнинг гистологик бўлаклари тайёрланди, гематоксилин-эозин билан бўялди ва Leitz Biomed (Leica) микроскопида (иммерсион линзалари ($\times 100$)) таҳлил қилинди. II-тажриба каламушларда ўтказилди. Тажриба материали ҳар иккала жинсдаги етук каламушларнинг жигари бўлиб, тажриба учун оғирлиги 180-200 г бўлган 30 та оқ каламушлардан фойдаланилди. Хайвонлар озиқ-овқат ва сувдан эркин фойдаланиш имконияти билан стандарт вивариум рационидида сақланди. Тажриба хайвонларида 25% жигар резекция ўтказилди, сўнгра 3, 5, 7, 15 ва 30-кунларда этаминал беҳушлик остида (хайвон тана вазнига 40 мг/кг) боши кесилди. III-тажриба каламушларда ўтказилди. Тадқиқот учун материал

оғирлиги 180-200 г, 24 дона миқдорида, ҳар икки жинсдаги оқ наслсиз, етук каламушларнинг жигарида ўтказилди. Ҳайвонларда гелиотринли токсик гепатитнинг модели чақирилди, унга 1% гелиотрин эритмаси 2 ой давомида, ҳафтасига бир марта, Х.Я. Каримов (1989) схемаси бўйича 100 г каламуш вазнига 5 мг гелиотрин юборилди. Тажриба давомида 3 та ҳайвон нобуд бўлди. Оқ каламушларнинг жигари нормал шароитда, токсик гепатит чақирилган ҳайвонларда ва Туглизид билан коррекция қилинган ҳайвонларда ўрганилди. Илмий ишда «IPSUM PATOLOGY» ОАО да 2021-йил 3-майдаги 38-сонли шартнома асосида тажриба ва назорат гуруҳи ҳайвонларидан олинган гистологик текшириш учун материалларни олиш ва тайёрлаш амалга оширилди. Экспериментал вояга етган каламушлар аввало тажриба ҳайвонлари билан ишлаш қоидаларига мувофиқ махсус идишга жойлаштирилди, хлороформ билан беҳуш қилинди ва гилётин ускунасига маҳкамланди, зарур материални олиш учун уларни орқаси билан ётқизилди. Тайёрланган кесмалар гематоксилин-эозин билан бўялди ва Браше бўйича РНКни ва Фельген бўйича ДНКни аниқлаш учун гистокимёвий реакциялар ўтказилди. Тайёр микрослайдлар SARL Zeiss Microscopy GmbH микроскопи остида кўрилди ва Axio Lab A1 (Германия) камераси билан суратга олинди. Морфометрик тадқиқотлар Автандилов усули (1990) ёрдамида амалга оширилди ва Axiovision дастурида (Россия, Узоқ Шарқ) қайта ишланди.

Ўрганиш жараёнида олинган маълумотларни статистик таҳлилни ўзгартириш статистикаси усуллари кўллаш мақсадида амалга ошириш учун «Microsoft Office Excel 2013» офис дастурида бир нечта кўрсаткичларни ўз ичига олган маълумотлар базаси тузилди. Статистик ишлов беришда асосий эътибор қуйидаги асосий мезонларга қаратилди: ўртача арифметик (M), ўртача стандарт хато (m), стандарт оғиш (s), нисбий қийматлар (% юзага келиши), Стюдент тести (t). Таққослаш гуруҳлари орасидаги фарқлар $p < 0,05$ да ишончли деб ҳисобланди. Тадқиқотни ташкил қилиш ва олиб боришда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.


Диссертациянинг «**Нормал ва репаратив регенерация даврида жигар гепатоцитларининг қиёсий морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи боби бешта кичик бўлимдан иборат. Биринчи кичик бўлимда Туглизид препарати юборилганда гепатоцитлар цитоплазмасида юмалоқ таначалар пайдо бўлиши тасвирланган. Туглизид ярим синтетик препарат бўлиб у қизилмия илдизидан олинган, унинг асосий қисми глицирризин кислотаси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти ходими профессори Д.Н.Далимов томонидан ишлаб чиқилган. Туглизид препарати нафас олиш тизими касалликларини (хусусан, силни) даволаш учун яллиғланишга қарши дори сифатида таклиф этилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришда бизнинг вазифамиз унинг захарлилигини ўрганишдан иборат эди. Препарат экспериментал куёнларга 1 ой давомида 10 мг/кг дозада юборилган.

Ушбу тузилмалар жигар ҳужайраларининг элементларига тегишли ёки йўқлигини аниқлаш учун биз барча экспериментал ҳолатларни таҳлил қилдик, шунингдек уларни бошқа барча ҳужайра тузилмалари билан қиёсий таҳлил қилдик. Бундан ташқари, Фельген бўйича ДНК таркиби ёки Браше бўйича РНК мавжудлигини аниқлаш учун гистокимёвий таҳлил ўтказдик.

Тўлиқ қиёсий таҳлил, шунингдек, Браше бўйича гистокимёвий бўйш, бу усул ядродан цитоплазмага чиққан ҳосила гепатоцитларнинг ядрочаларига тегишли эканлигини кўрсатди. Улар ядродан гепатоцит цитоплазмасига кўчиб ўтган ядрочаларнинг ДК эканлиги аниқланди. Ядро мембранаси орқали ядронинг кариоплазмадан цитоплазмага ўтишининг кўплаб ҳолатларини таққослаш уларнинг гепатоцитларнинг ядрочаларига тегишли эканлигини аниқлашга имкон берди. Маълумки, аъзонинг бир қисмини тиклаш одатда хужайра бўлиниши ҳисобига кечади. Шуни таъкидлаш керакки, бунинг учун зарур бўлган қурилиш материаллари рибосомаларда синтезланади. Шубҳасиз, оқсил синтези интенсив кечиши билан ядрочалар нафақат ҳажми ошириши, балки синтетик жараёнлар сезиларли даражада кучаядиган цитоплазмага ўтиши мумкин ва шу билан аъзонинг йўқолган қисмларини тезда тиклашга ёрдам беради. Ушбу маълумотларни тасдиқлаш учун Туглизид препаратини қўллашда оқсил синтезини аниқлаш шаклида қўшимча тадқиқотлар талаб қилади. Экспериментал каламушларга препаратни қўллаш динамикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Туглизид таъсирида оқсил синтези назоратга нисбатан кучаяди. Бундан ташқари, рақамли кўрсаткичларнинг максимал ўсиши тажрибанинг 5-10 кунда содир бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, айнан шу даврларда ядроча ДК нинг ядродан цитоплазмага кўчиши бир неча марта кучаяди. Қон зардобидаги оқсилни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти катта илмий ходими Наталья Леонидовна Выпова томонидан амалга оширилди (муаллиф биокимёвий маълумотлар билан таъминлаганликлари учун миннатдорчилик билдиради). Шундай қилиб, юқоридаги позицияларга асосланиб, бу ишда ядрочадан баъзи ҳайвонларнинг цитоплазмасига ўтиш механизмлари изчил тасвирланган: назорат қуён ва каламушларда; препаратни қўллашда (туглизид - қуён), жигар резекциясидан кейин (каламушлар); гепатотоксик моддани (гелиотрин-каламуш) юборишда.

«Туглизид препаратини қўллашда ядродан цитоплазмага ядроча донадор компонентини миграциясининг хужайра ичидаги механизмлари» биринчи кичик бўлимида Туглизид препарати юборилгандан кейин 30-кун қуёнларнинг жигари текширилди. Қуёнларнинг жигари, бошқа кўплаб сутэмизувчилар сингари, чегаралари аниқ белгиланмаган кўплаб бўлакчалар билан акс этган ва бўлакчаларнинг ўзи марказий венага йўналтирилган жигар балкалари ва синусоидал капиллярлардан иборат. Капиллярларнинг деворларини эндотелий ва юлдузсимон макрофаглар (Купфер хужайралари) ҳосил қилади. Гепатоцитлар 2-3 қатор жойлашган бўлиб, кўпбурчак шаклга эга, цитоплазмаси оксифил рангда бўлиб, марказида бир ёки иккита ядроси бор (1-3-расмлар). Гепатоцитларнинг майдони $246,6 \pm 3,7$ мкм², ядросининг майдони $89,7 \pm 1,1$ мкм². Гепатоцитларда кўпинча битта, баъзан иккита ядро мавжуд. Икки ядроли гепатоцитлар сони битта кўрув майдонида 6-8 тагача. Кўпчилик гепатоцитларда майда дисперс хроматинли ўрта ўлчамдаги ядролар мавжуд бўлиб, улар ядро қобиғи остида хроматин бўлакларининг кичик тўпланишини ҳосил қилади. Ядро хроматиндан ташқари бир ёки иккита, вақти-вақти билан 3-4 та ядрочалар аниқланади. Одатда ядрочалар

кичик ўлчамда бўлади, фақат баъзи ядроларда каттароқ ядрочалар аниқланади ва улар кариоплазманинг марказида жойлашган (1Б-расм).




1-расм. Туглизид препаратини қўллашдан кейин қуён жигари. Бўяш: гематоксилин-эозин

<p>А. Жигар трабекулалари, синусоидал капиллярлар ва гепатоцитларнинг морфологик расми. Кўпбурчакли гепатоцитларнинг ядроларида бир ёки иккита ядро мавжуд. Кат:10x40.</p>	<p>Б. Худди шу ҳолат. Гепатоцит цитоплазмасида зич думалоқ тананинг пайдо бўлиши. Кат:10x10 (иммерсион)</p>	<p>В. учта ДК миграцияси, матнда тушунтириш. Кат:10x10</p>
---	--	---


Ушбу ҳодисаларнинг барчасини таққослаш уларнинг миграцияга учраган ДК ларни ифодалашини кўрсатади. Агар ДК ядродан маълум масофада жойлашган бўлса ва аниқ контурларга эга бўлса, бу унинг кариолемма билан ўралганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, кўчган ДК ҳажми бироз ошади ва нуклеоплазма аниқроқ бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, ДК нинг ядродан цитоплазмага кўчиши, худди митоз каби, жуда кам учрайдиган ҳодиса, аммо Туглизид препаратини қўллаш орқали ДК нинг миграцияси митозга қараганда анча кўп учрашини кўрдик. 1В-расмда учта ядроча ДК бир вақтнинг ўзида миграцияга учраган ва уларнинг ҳар бири ядродан цитоплазмага ҳаракатнинг бошқа босқичида.

Туглизид таъсирида кўпинча битта ядроча ДК ядродан кўчиб ўтади, аммо камдан-кам ҳолларда биз бир ядроли ёки икки ядроли гепатоцитдан иккита ядроча донатор компонентининг бир вақтнинг ўзида чиқарилишини аниқладик (2А-расм). Ҳар ҳолда, чиқарилган ядроча ДК кичик зич танадан юмалоқ каттароқ танага айланади, унинг аҳамияти номаълум. Бундан ташқари, ядрочаларнинг ДК миграцияси жараёнида биз цитоплазма ҳолатига, ҳужайра чегараларига, шунингдек, қўшни ҳужайралар билан муносабатларга эътибор қаратдик. Бизнинг кузатишларимиз чегаралар сезиларли даражада ўзгармаслигини кўрсатди, яъни, ҳужайранинг қўшни гепатоцитлардан ажралиши ёки цитоплазманинг цитотомия шаклида ажралиши ҳам кузатилмаган. Умуман олганда, Туглизид препаратини қўллаш пайтида жигарни ўрганиш шунини кўрсатдики, жигар трабекулалари яхши сақланган ва гепатоцитлар нормал тузилишга эга, синусоидлар, дарвоза венаси ёнлари ва


ўт йўллари эпителийси ҳолати сезиларли ўзгаришларсиз ва паренхима элементларининг дегенерацияси ёки йўқ қилиниши белгилари сезилмади. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, янги дори, Туглизид жигарнинг таркибий элементларига ноҳўя таъсир кўрсатмайди, аксинча, у жигар хужайраларининг ҳолатини яхшилади, айниқса гепатоцитлар ядрочалари фаоллигига таъсир қилади ва миграцияни кучайтиради.



А



Б



В

2-расм. Туглизид препарати юборилгандан кейин куён жигари

А. Цитоплазмада чиққан ядроча ДК юмалоқ шаклга эга бўлиб, озроқ зич консистенцияга эга, лекин ҳажми бироз ошган.

Кат: 10x10



Б. Гематоксилин-эозин билан бўяш. Бўлакчанинг периферик қисми. Расмнинг марказида иккита ядроли гепатоцит жойлашган бўлиб, улардан бир вақтнинг ўзида ядрочалар ДК чиққанлиги кўриниб турибди.

Кат: 10x10

В. Фёлген бўйича ДНКни бўяш. Ядро таркиби пушти ранга эга. Марказида соат 9 ориентирда ДК чиқиши. Кат: 10x10

«Интакт оқ каламушларда ядродан цитоплазмага ўтишнинг морфологик жиҳатлари» иккинчи кичик бўлимида куёнларда ядродан гепатоцит цитоплазмасига ядрочаларнинг кўчишини янгилик кашф этилган ҳодиса деб қарасак, биринчидан, кутилмаган ҳодиса бўлиб чиқди, иккинчидан, у маълум бир ҳайвонга хос бўлиши мумкинми ёки бошқа ҳайвонларга ҳам хосми. Шу сабабли биз соғлом интакт каламушларда ушбу ҳодисанинг эҳтимолини синаб кўришга қарор қилдик. Бунинг учун интакт (соғлом) каламушларни махсус танлаб олиб, уларни сўйиб, сўнг гистологик препаратлар тайёрладик, кейин бўялди ва микроскоп остида таҳлил қилинди. Шунини таъкидлаш керакки, каламушлар жигарининг морфологик кўриниши куёнларники билан бир хил, аммо баъзи фарқлари мавжуд. Каламушларда гепатоцитлар цитоплазмаси ва ядросининг ҳажми куённикига қараганда бироз каттароқдир. Каламушларнинг жигарида жигар бўлакчаси, жигар трабекулалари ва синусоидал капиллярлар архитектоникасининг тузилишида фундаментал фарқлар қайд этилмаган. Гепатоцитлар майдони $173,2 \pm 3,9$ мкм², ядро майдони эса $77,6 \pm 1,8$ мкм² ташкил қилади. Гепатоцитлар биттадан 3-4 гача ядродан иборат. Икки ядроли гепатоцитлар сони бир кўриш майдонида $2,0 \pm 0,2$. Ёруғлик микроскопияда камдан-кам ҳолларда ядрочалар

донадор компоненти ядродан гепатоцит цитоплазмасига кўчиб ўтиши аниқланди. Шунинг таъкидлашни истардикки, интакт ҳайвонларда, ҳам каламушларда, ҳам қуёнларда миграцияга учраган ядрочалар донадор компонентларини қидириш, уни аниқлаш қийинлиги сабабли жуда кўп меҳнат талаб қиладиган жараён дур. Интакт қуён ва каламушларнинг жигар паренхимасида тахминан 3-5 минг гепатоцит учун битта ЯДК чиқиши мавжуд. Каламуш гепатоцитларида бирдан 2-3 гача ядрочалар ҳам мавжуд. Ядрочалар юмалоқ шаклга эга бўлиб, кўпинча кариоплазманинг марказида жойлашган. Тўлиқ ўрганиш ядродан гепатоцит цитоплазмасига кўчиб ўтадиган ядроча донадор компонентларни аниқланди. Баъзи каламуш ЯДК ҳажми шунчалик кичикки, уларни аниқлаш қийинчилик туғдирди. Цитоплазмага миграция қилган ЯДК аниқ кўринадиган қуёнларнинг ядроча донадор компонентидан фарқли ўлароқ, каламушларда деярли ўзгармайди, яъни кариоплазма ичидаги каби кичик ҳажмга эга бўлиб қолаверади. Бирок, ЯДК миграциясининг бутун расмини батафсил таҳлил қилиш ва умумлаштириш билан унинг ядродан цитоплазмагача бўлган ҳаракат босқичларини аниқлаш мумкин. 3-расмнинг юқори қисмида гепатоцит ядроси зўрға тасвирланган, аммо унда ядроча ички ядро мембранасига маҳкам ёпишган. Кариоплазмада кўпинча 2-3, камдан-кам ҳолларда 3-4 думалоқ таначалар – ядрочалар аниқланади (3-расм).



3-расм. Тажиба гурух каламуши жигари

А. Ҳамма гепатоцитлар катта ядродан иборат бўлиб, унда бир хил ўлчам ва зичликдаги 2-3 та ядрочалар бўлиши аниқ. Расмнинг юқори қисмида гепатоцитлар ядроси заиф контурланган, аммо унда ядро қобиғи билан яқин алоқада бўлади, лекин бироз пастда, ядро ёнида деярли сезилмайдиган ЯДК ажралиб чиққан. Бўяш: г-э Кат:10x10

Б. Ўндаги расмда ўрта қисмида кариоплазмасида учта кичик ядроли мононуклеар гепатоцит, пастда эса унинг ёнида миграцияга учраган ЯДК бор ядро жойлашган. Бўяш: г-э Кат:10x10




Қуёнлардан фарқли ўлароқ, каламушларда цитоплазмадаги ядроча донадор компонентининг ҳажми ўзгармайди ва кариоплазмадагидек қолади.

Шунинг учун каламушларда ЯДК чиқишини аниқлаш бироз қийинлик туғдирди.

Ядрочаларнинг тузилиши РНК синтези фаоллигига боғлиқ: рРНК синтезининг юқори даражасида ядрода кўп миқдордаги гранулалар мавжуд; синтез тўхтаганда, гранулалар сони камаяди, ядролар зич фибрилляр таначаларга айланади, чунки базофил табиатга эга. Гепатоцитлар ядро аппарати элементлари орасида эндоплазматик ретикулум билан алоқада бўлган ва рибосомаларни ўз ичига олган ядро мембранаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ташқи ва ички мембраналар жойларда бирлашиб, ғовакларни ҳосил қилади; бу ЯП комплекслари сонининг кўпайиши хужайранинг функционал фаоллигининг интенсивлигини кўрсатади.

«Жигарни қисман резекция қилингандан сўнг, оқ рангли каламушларда ядродан гепатоцит цитоплазмасига ЯДК миграциясининг морфологик жиҳатлари» учинчи кичик бўлимда ташқи омиллар таъсирида ядро миграцияси кучайганлигини ҳисобга олиб, биз жигарни қисман резекция қилиш пайтида ушбу жараённи кузатишга қарор қилдик. Жигарнинг қисман резекцияси умумий этаминал беҳушлик остида амалга оширилди. Қорин бўшлиғини очгандан сўнг, жигарнинг чап латерал бўлаги кесиб олиб ташланган, бу умумий жигар ҳажмининг 25% ни олиб ташлашга тўғри келади. Экспериментал ҳайвонлар жарроҳлик давридан кейин 3, 5, 7, 15-кунларда ўрганилди. Гепатоцитлар ҳолатини морфологик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, жигар паренхимаси назорат каламушлардаги каби қурилган. Бироқ, оқ каламушларнинг гепатоцитлари қуёнларнинг гепатоцитларидан фарқ қилади, чунки каламуш гепатоцитлари ҳажми каттароқ ва шунга мос равишда уларнинг ядролари ҳам каттароқдир. Гепатоцитлар майдони $160,1 \pm 3,7$ мкм², ядролари эса $70,1 \pm 0,2$ мкм² ташкил қилди. Гепатоцитларда бирдан уч-тўрттагача ядрочалар мавжуд. Икки ядроли гепатоцитлар сони битта кўрув майдонида – $4,6 \pm 0,2$ ташкил қилди. Жигар резекциясидан сўнг, миграцияга учраган ЯДКлар сони кўпайди, айниқса тажрибанинг 5-7 кунларида. Жигар бўлаклари аниқ эмас, бўлакчалар жигар трабекулалари ва синусоидал капиллярлардан иборат. Жигар трабекулалари ва синусоидал капиллярлар марказий венага нисбатан радиал йўналишга эга. Синусоидал капиллярларнинг ва марказий венанинг люменлари ўртача даражада кенгайган ва баъзида қон элементларини ўз ичига олган.

Гепатоцитлар кўпбурчак шаклга эга, уларнинг цитоплазмаси оксифил рангга эга, ядроларида 2-3 та кичик ядроча ёки баъзан битта йирик ядроча мавжуд. 4-расмда икки ядроли гепатоцит устидаги моноклеар жойлашган бўлиб, унда иккита ядроли: бири кичик, иккинчиси каттароқ, охиргиси эса кариоплазманинг четида жойлашган бўлиб, қисман цитоплазмага чиқиб туради. Кейинги расмда марказда икки ядроли гепатоцит жойлашган бўлиб, унинг ҳар бир ядросида битта ядроча, унинг устида эса бошқа гепатоцит жойлашган бўлиб, унда катта ЯДКнинг цитоплазмага қандай бўртиб бориши аниқ кўринган, аниқки, ядро мембранасидан пенетрация босқичида (4Б-расм). Битта ядрода иккита ядроча мавжуд бўлиб, улар кариоплазмада аниқ кўринади, бошқа ядрода битта ядроча мавжуд ва у деярли сезилмайди






4-расм. Каламуш жигарининг қисман резекцияси, 3 ва 5 кунлари. Бўяш гематоксилин-эозин билан. Жигар хужайрасининг цитоплазмаси оксифил рангга эга ва катта базофил ядроси кўпинча битта йирик ядрочани ўз ичига олган

А. Расм марказида жойлашган моноклеар гепатоцит ёруғлик кариоплазмаси бўлиб, ядродан қисман чиқиб турган йирик ЯДК, ядро мембранасидан чиқиш босқичида. Кат:10x10

Б. Расм марказида ёруғ кариоплазмага эга моноклеар гепатоцит, ундан ядро мембранасидан йирик ЯДК ажралган. Кат:10x10

В. Икки ядроли гепатоцитда цитоплазмада ядроларга яқин жойлашган кичик ажралиб чиққан ЯДК жойлашган. Кат:10 x10



5-расм. Жигар резекцияси, тажрибанинг 7 ва 10-кунларида. Бўяш гематоксилин-эозин билан. К. об. x100

А. Миграциянинг бир босқичида бўлган гепатоцитларда бир вақтнинг ўзида учта ЯДКнинг ажралиб чиқиши. Кат:10x10

Б. Фельген бўйича ДНКни бўяш, тажрибанинг 7-куни. Кат:10x10

В. ЯДК миграциясининг турли босқичлари (кўрсаткич билан кўрсатилган). Кат:10x10


Бирок, операциядан кейинги 7-куни уларнинг сони кескин ортган. Шу сабабли, тажрибанинг 7-кунида кўриш майдонида 3 та ЯДКнинг синхрон чиқиши аниқланди, уларнинг барчаси ядродан цитоплазмага чиқиш босқичида, лекин кичик ўзгаришлар билан (5-расм) аввалги экспериментал тадқиқотларда миграцияга учраган ЯДК тақдири номаълум бўлиб қолди. Экспериментнинг 7-кунида жигар резекцияси пайтида кўплаб кўчиб юрувчи ЯДКлар орасида ядрочалари сарғиш рангга эга бўлганлари аниқланди, бу уларнинг баъзи эҳтиёжлар учун истеъмол қилиниши туфайли. 5А-расмда бир вақтнинг ўзида учта ЯДК чиқади ва уларнинг барчаси ядро мембранаси устида алоқада бўлса ҳам, чиқишнинг турли босқичларида. Яна бир 5В-расмда иккита ЯДК ажралиб чиқиши қайд этилган, улардан бири ядро мембранаси билан алоқада, иккинчиси цитоплазмада. Шунини таъкидлаш керакки, жигар резекциясидан сўнг уларнинг сони ҳам, ҳажми ҳам назорат ҳайвонларига қараганда бир оз камроқ. Бундан ташқари, битта муҳим ҳолатни таъкидлаш керак: ядро ичида жойлашган ЯДК тўқ рангга ва цитоплазмага чиққанлари тўқ сариқдан оч сариқ ранггача. Жигар резекцияси ядродан цитоплазмага ядроча донатор компонентининг миграциясини сезиларли даражада кучайтирди, бу уларнинг кичик кўриш майдонида кўп миқдорда чиқарилишидан далолат беради. Жигар резекцияси пайтида ЯДК сезиларли даражада катталашади, уларнинг баъзилари цитоплазмага ўтади, лекин уларнинг ранги, табиати ўзгаради. Цитоплазмага чиққандан сўнг, бундай ЯДКлар баъзан сарғиш рангга эга бўлади, шунинг учун улар аста-секин йўқолади. Гепатоцитлар цитоплазмаси манфий реакция кўрсатганда, улар ДНК эмас, ядрочаларнинг материали эканлиги маълум бўлди (5Б-расм). Шу билан бирга, баъзи ҳолларда биз ядродан цитоплазмага чиқишининг ҳайратланарли расмини топдик, бунда чиқарилган ЯДК юмалоқ зич танага ўхшаб, учини траекториясининг ўзига хос изига эга эди. 10 ва 15 кунларида ЯДК томонидан ажратилган гепатоцитлар сони камаяди. Шундай қилиб, жигар резекциясидан кейин жигар хужайраларининг митотик бўлиниши билан бир қаторда, гепатоцитлар ядроларининг миграцияси ҳам содир бўлади, бундан ташқари, бу жараён айниқса операциядан кейинги 7-куни кучаяди, бу регенератив аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Янги ҳосил бўлган хужайралар оксил синтези учун ЯДК миграцияси катта рол ўйнаши маълум бўлди.

